
2022 йил якунлари бўйича “ЎзРВБ” АЖ бозорлари шарҳи


2022 йил якунлари бўйича “Ўзбекистон республикаси валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) бозорлари шарҳи

Ҳисобот даврида ЎзРВБдаги савдолар умумий ҳажми рекорд даражани - **706,79 трлн. сўмни ташкил этиб**, ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 81,60%га ошди.


ЎзРВБда савдоларнинг умумий ҳажми




ЎзРВБ бозорларининг умумий савдо ҳажмидаги улуши



2022 йилда бозорлар кесимида савдолар ҳажми динамикаси



2020-2022 йилларда бозорлар кесимида савдолар ҳажми динамикаси



Валюта бозори

ЎзРВБ валюта бозорида валютавий спот ва своп операциялари амалга оширилади. Бугунги кунда, ушбу бозорда USD/UZS, EUR/UZS, RUB/UZS ва CNY/UZS валюта жуфтликлари бўйича инструментлар жорий этилган.

Савдо иштирокчиларига қўшимча савдо имкониятларини яратиш мақсадида 2022 йил 3 октябрдан бошлаб ЎзРВБ валюта бозорининг янги in-house савдо платформасида илк бор базавий активи АҚШ долларининг сўмга нисбатан курси бўлган валютавий фьючерс шартномалари савдолари ташкил этилди. 2022 йил 1 ноябрь куни эса ушбу инструментлар бўйича дастлабки битимлар тузилди.

Бундан ташқари, валюта бозорида фьючерс шартномалари билан савдолар жорий этилгани муносабати билан ЎзРВБда дефолт-менеджмент тизими ва марказий контрагент фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган ликвидлик провайдерлари фаолияти жорий этилди, бу эса рискларни бошқариш механизмларини кенгайтиришга хизмат қилди.


Бунда, ЎзРВБ марказий контрагент фаолиятини амалга ошириш орқали биржа савдолар иштирокчиларининг миллий ва хорижий валютадаги маблағлари бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни ўз зиммасига олади.

Шунингдек, 2022 йил 1 декабрдан бошлаб ЎзРВБ валюта фючерслари бозорида маркет-мейкерлар фаолияти ташкил этилиб, маркет-мейкер мақоми "Капиталбанк" АТБ ва "Ипак йўли" АИТБга берилди.

Маркет-мейкер вазифаларига бозорда кунлик узлуксиз ликвидликни таъминлаш, савдолар давомида маълум миқдордаги фьючерс шартномаларини сотиб олиш ва сотиш бўйича икки томонлама котировкаларнинг минимал умумий ҳажмини таъминлаб туриш киради, бу эса бозор "чуқурлигини" (market depth) оширади.

2022 йил давомида валюта бозоридаги умумий савдолар ҳажми **338,34 трлн. сўмни** ташкил қилиб, ўтган йилги мос кўрсаткичига (217,96 трлн. сўм) нисбатан 1,5 баробар ошди.

2021-2022 йилларда валюта бозоридаги савдолар ҳажмининг қиёсий динамикаси




Пул бозори


ЎзРВБ пул бозорида банкларараро депозит операциялари амалга оширилиб, бир кундан бир йилгача бўлган муддатга маблағларни жойлаштириш/жалб қилиш бўйича битимлар тузилади ҳамда тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банкнинг депозит аукционлари ташкил этилади.

2022 йилда пул бозоридаги савдоларнинг умумий ҳажми **270,61 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичига (140,39 трлн. сўм) нисбатан 92,76%га ошди.


2021-2022 йилларда пул бозоридаги умумий савдо ҳажмининг қиёсий динамикаси




Банклараро пул бозорида 2022 йил давомида “1 кун” муддатли депозитлар бўйича кўрсаткич



2022 йилда банклараро пул бозоридаги стандартлаштирилган муддатлар бўйича битимлар таркиби



2022 йилда банклараро пул бозоридаги савдо ҳажмларнинг стандартлаштирилган муддатлар бўйича динамикаси



Қарз бозори

ЎзРВБ қарз бозорида давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) - Молия вазирлигининг облигациялари ва мажбуриятлари, шунингдек Марказий банкнинг облигациялари бўйича савдолари амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу бозорда 2022 йил 5 октябрдан бошлаб ЎзРВБ томонидан ишлаб чиқилган “UZCE mobile GB” мобил иловаси ишга туширилган бўлиб, мазкур дастурий таъминот орқали ДҚҚ билан олди-сотди операцияларини масофавий тарзда амалга ошириш имкони яратилди.

Масофавий савдоларни амалга оширишдан ташқари, иловадан фойдаланувчилар турли маълумот, шу жумладан ДҚҚ бозори янгиликлари билан танишиш, шунингдек, ДҚҚ бозорида савдо жараёнларини янада фаоллаштириш ва такомиллаштириш имкониятига эга бўлишди.

2022 йил 1 ноябрь куни эса илк бор ЎзРВБ аукцион савдоларида Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан хорижий инвестор сифатида “Асака банк” АЖ орқали ДҚҚни сотиб олиш бўйича битимлар тузилди.


2022 йил 3-4 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган II халқаро иқтисодий форум давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк ва 9 тижорат банки ўртасида ДҚҚ бозорида бирламчи дилерлик вазифаларини бажариш бўйича имзоланган шартномалар доирасида 2022 йил 29 ноябрь куни ЎзРВБ платформасида бирламчи дилерлар ўртасида ДҚҚ жойлаштириш бўйича биринчи аукцион бўлиб ўтди. Аукционда жойлаштирилган ДҚҚ сони 560 минг донани ташкил этди.

Бундан ташқари, 2022 йил 20 декабрь куни ЎзРВБ савдо платформасида илк бор Молия вазирлиги томонидан инфратузилмани ривожлантиришни мақсадли молиялаштириш учун ДҚҚ жойлаштирилди.


Аукцион давомида муомала даври 5 йил бўлган ДҚҚ 149,7 млрд. сўм ҳажмда жойлаштирилган бўлиб, ўртача тортилган даромадлилик йиллик 18,08%ни ташкил этди.

Умуман олганда, ҳисобот даврида ДҚҚ бозорида 87,29 трлн.сўмлик қимматли қоғозлар жойлаштирилган бўлиб, 2021 йил кўрсаткичига (24,85 трлн.сўм) нисбатан 3,5 баробар кўп бўлди.


2022 йилда эмитентлар кесимида ДҚҚ жойлаштирилиши



2022 йилда муомала даври кесимида ДҚҚ жойлаштирилиши



2021-2022 йилларда бирламчи аукционларда ДҚҚ жойлаштириш ҳажмининг қиёсий динамикаси



2022 йил давомида Молия вазирлигининг ДҚҚни жойлаштириш бўйича 81 аукцион ўтказилган бўлиб, уларда жойлаштирилган ДҚҚнинг умумий ҳажми 12,57 трлн. сўмни ташкил этди.


2022 йил якунлари бўйича Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган ДҚҚнинг 68% дан ортиғи муомала муддати бир йилгача бўлган қисқа муддатли ғазначилик мажбуриятларига тўғри келди.

2022 йилда муомала даври кесимида Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган ДҚҚ ҳажми

Муомала даври	**Савдолар ҳажми,** млрд. сўмда	**Улуши**
1 йилгача	8 572,85	68,18%
2 йил	2 018,72	16,06%
3 йил	768,05	6,11%
5 йил	907,40	7,22%
10 йил	306,71	2,44%
Жами	**12 573,73**	**100,00%**

2022 йилда Молия вазирлигининг қисқа муддатли ғазначилик мажбуриятлари бўйича ўртача тортилган даромадлилик 12,82% -19,74% оралиғида бўлди.

2022 йил якунларига кўра Молия вазирлигининг қисқа муддатли ғазначилик мажбуриятларини жойлаштиришда шаклланган ўртача тортилган даромадлилик




Ушбу даврда Марказий банк облигацияларини жойлаштириш бўйича ўтказилган 102 та аукцион натижаларига кўра муомала даври бир йилгача бўлган облигацияларнинг жойлаштириш ҳажми 74,71 трлн.сўм тенг бўлди.

Средневзвешенная доходность по облигациям Центрального банка находилась в диапазоне от 13,26% до 19,00%.

Жойлаштирилган Марказий банк облигациялари бўйича ўртача тортилган даромадлилик 13,26% дан 19,00% гача ўзгариб турди.

2022 йилда муомала даври бир йилгича бўлган Марказий банк облигацияларини жойлаштиришда шаклланган ўртача тортилган даромадлилик



Ҳисобот даврида ДҚҚнинг иккиламчи бозорида **10,00 трлн. сўмлик** битимлар тузилган бўлиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (3,33 трлн. сўм) нисбатан ўсиш 3 баробарни ташкил этди.

Айтиш лозимки, Марказий банкнинг РЕПО аукционлари 2020 йил февраль ойидан, дилерлараро РЕПО операциялари эса 2021 йил февралидан бошлаб ўтказиб келинмоқда.

2022 йилда Марказий банкнинг РЕПО аукционлари ўтказилмаганлиги сабабли, ушбу даврдаги РЕПО битимларининг умумий ҳажми ўтган йилги мос кўрсаткичига нисбатан 79,65%га пасайди.

Шу билан бирга, 2022 йил якунларига кўра дилерлараро РЕПО битимлари ҳажми 2021 йил кўрсаткичига (66,0 млрд. сўм) нисбатан **8 баробар** кўпайди.

млрд. сўм

Операция тури	**2020 й.**	**2021 й.**	**2022 й.**
Марказий банкнинг РЕПО аукционлари	10 216,20	2 600,00	0,00
Дилерлараро РЕПО операциялари	0,00	66,00	542,62
Жами	**10 216,20**	**2 666,00**	**542,62**

2022 йил 31 декабрь ҳолатига ЎзРВБ депозитарийсининг ҳисоб регистрларида номинал қиймати бўйича сақланаётган ДҚҚ ҳажми ўтган йилга нисбатан қарийб 64,70%га ошган бўлиб **27 737,90 млрд.** сўмни ташкил этди.

Шунингдек, муомала даври кесимида муомала муддати бир йилгача бўлган қимматли қоғозлар улуши кўпроқ бўлди. Шунга қарамай, 2022 йилда муомаладаги ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар улушининг ўсиши ҳам кузатилди.

2021-2022 йилларда ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

млрд. сўм

Муомала даври	2021 йил 31 декабрь ҳолатига	2021 йил 31 декабрь ҳолатига	Ўзгариш
3 ойгача	5 500,00	14 700,00	167,27%
3 ойдан 6 ойгача	8 121,00	4 303,38	-47,01%
6 ойдан 1 йилгача	1 579,66	3 592,30	127,41%
1 йилдан 5 йилгача	1 640,79	4 832,22	194,51%
5 йилдан 10 йилгача	-	310,00	-
Жами	**16 841,45**	**27 737,90**	**64,70%**

2022 йил 31 декабрь ҳолатига эмитентлар кесимида ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

млрд. сўм

Муомала даври	Молия вазирлиги ДҚҚлари	Марказий банк облигациялари	Жами
3 ойгача	0,00	14 700,00	14 700,00
3 ойдан 6 ойгача	4 303,38	0,00	4 303,38
6 ойдан 1 йилгача	3 592,30	0,00	3 592,30
1 йилдан 5 йилгача	4 832,22	0,00	4 832,22
5 йилдан 10 йилгача	310,00	0,00	310,00
Жами	**13 037,90**	**14 700,00**	**27 737,90**

ЎзРВБ - республиканинг энг йирик ва кўп функцияли биржа платформаси, савдо майдонлари, ҳисоб-китоб ва клиринг тизими ҳамда депозитарийни ўз ичига олган ноёб интеграциялашган тизим бўлиб, валюта, пул ва муддатли бозорларда, шунингдек, давлат қимматли қоғозлари бозорида биржа савдолари ташкилотчиси ҳисобланади.